XALQ DEPUTATLARI NORIN TUMANI KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 20 - sentabr VI-44-117-6-83-K/22 Norin tuman hokimligi

Норин туманида ош бериш маросимининг вақтини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги № 2736-III/ҚҚ-592-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги низомнинг 3-бандига асосан, халқ депутатлари Норин тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги № 2736-III/ҚҚ-592-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги низомда қуйидагилар белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин:

тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилиши;

дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши;

мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача, қўшалоқ тўйлар билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши қатнашиши.

2. Норин туманида мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимининг вақти бомдод намозидан сўнг бошланиши ва соат 11:00 га қадар давом этиши белгилансин.

3. Карантинли ҳолатларда Республика махсус комиссия томонидан ош бериш маросимининг вақти чекланган ёки чегараланган тақдирда ош бериш маросимининг вақти мазкур комиссия томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Ушбу қарор “Норин овози” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (norintuman.uz) жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (С.Сидиқов) ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий Комиссияси раиси (Н.Холмирзаева) зиммасига юклансин.

Kengash raisi **Ж.Нурматов**